

Полиомиелит қандай касаллик?

Полиомиелит – бу ўткир юқумли касаллик, полиовируслар одамнинг асаб тизимини зарарлайди. Полиомиелит асорати параличга, ҳаттоки нобуд бўлишликка олиб келади. Полиовируслар учта тури тафовут қилинади: 1-чи, 2-чи и 3-чи.

Полиомиелит билан кимлар касалланиши мумкин?

Полиовирус асосан 5 ёшгача эмланмаган ёки нотўғри эмланган болаларда касалликни келтириб чиқаради. Полиовирусни юқтирганлар орасида касаллик аломатлари енгил ўтиши мумкин, лекин ҳар 200 та инфекцияланган болалардан биттасида паралич кузатилади.

Полиомиелит қандай юқади?

Полиовирус инсонга оғиз орқали, кўп ҳолларда сув ва озиқ маҳсулотлари полиовирус ташувчиси бўлган инсоннинг ифлосланган ахлатлари орқали юқади. Вирус ичакда кўпаяди ва ахлат билан ташқи муҳитга чиқарилади.

Полиомиелитнинг симптомлари қандай?

Полиомиелитнинг симптомлари ҳароратни кўтарилиши, бош оғриғи, ҳолсизлик, қусиш, энса мушакларининг тиришиши, ҳаракат таянч тизимида оғриқ бошланади ва юқори ҳамда паст ҳаракатланиш тизимида шол кузатилади. Агар боланинг оёқ ва қўлида бўшашган шолга шубҳалик кузатилса, дарҳол даволаш-профилактика муассасасига мурожаат қилиш керак.

Ўзбекистон Республикасида профилактик эмлашлар календари

Ёш	Эмлаш тури
1 сутки	ВГВ-1
2-5 кун	БЦЖ-1
2 ойлик	ОПВ-1, Рота-1, Пента-1 (АҚДС-1, ВГВ-2, ХИБ-1), ПНЕВМО-1
3 ойлик	ОПВ-2, Рота-2, Пента-2 (АҚДС-2, ВГВ-3, ХИБ-2), ПНЕВМО-2
4 ойлик	ОПВ-3, Пента-3 (АҚДС-3, ВГВ-4, ХИБ-3), ИПВ
12 ойлик	КПК-1, ПНЕВМО-3
16 ойлик	ОПВ-4, АҚДС-4
6 ёш	КПК-2
7 ёш (1 синф)	ОПВ-5, АДС-М-5
9-13 ёш	ВПЧ
16 ёш	АДС-М-6

Изоҳ*

ВГВ	гепатит В га қарши вакцина
ОПВ	полиомиелитга қарши вакцина
БЦЖ	силга қарши вакцина
Рота	ротавирус вакцинаси – вирусли диареяга қарши вакцина
КПК	қизамиқ-паратит-қизилчага қарши вакцина
АҚДС	дифтерия-кўкйўтал-қоқшолга қарши вакцина
АДС-М	дифтерия-қоқшолга қарши вакцина
ПНЕВМО	пневмококк инфекцияга қарши вакцина
ИПВ	инактивланган полиомиелит вакцина
ВПЧ	бачадон бўйни саратонига қарши вакцина
Пентавалент	дифтерия-кўкйўтал-қоқшол-гепатит В-хиб инфекцияга қарши вакцина

Ота-оналар фарзандларини полиомиелитга қарши эмлатиш учун яшаш манзилидаги поликлиникага мурожаат қилишлари керак!



Полиомиелитга қарши инактивланган вакцинани қўллаш

Ота-оналар учун маълумот



Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги

Полиомиелитни даволаса бўладими?

Полиомиелит касаллиги йўқ бўлса даволаш

ҳам ўтказилмайди; инфекцияни юқтирган ҳар бир бола шол касаллиги билан касалланиши мумкин.

Полиомиелит касаллигининг олдини олишнинг ягона йўли **вакцинациядир.**

Полиомиелитнинг олдини олса бўладими?

Ҳа, полиомиелитнинг олдини вакцинация туфайли олиш мумкин. Эмлаш натижасида бутун дунёда полиомиелит касаллиги билан касалланиш 99 фоизга қисқарди, полиовирусни тарқатадиган давлатлар сони 125 тадан 3тага камайди. (Афғонистон, Нигерия ва Покистон). Ҳар бир давлат полиомиелитдан соқит бўлганлик статусини сақлаб қолиш учун, **орал полиомиелит вакцинани (ОПВ)** ишлатади. Лекин полиомиелит касаллиги билан касалланиш давом этар экан, полиовирус билан тақроран зарарланиш хавфи мавжуд.

ИПВ ва ОПВ вакциналарининг фарқи нимада?

ОПВ ва ИПВ вакциналари болаларни полиовирус келтириб чиқарадиган шолдан сақлайди. Орал полиовакцина (ОПВ) ичак шиллиқ қаватида иммунитет ҳосил қилади, вируснинг одамдан одамга ўтишини олдини олади.

Инактивланган полиомиелит вакцина (ИПВ) билан орал полиомиелит вакцинани бирга ишлатилиши ичак иммунитетни мустаҳкам бўлишига олиб келади, шундай қилиб, иккита вакцина ҳам мустаҳкам иммунитет ҳосил қилади.

Болаларда мустаҳкам иммунитет ҳосил қилиш учун ҳамда полиомиелитнинг ликвидациясига эришиш учун иккала вакцинани ҳам ишлатиш керак.

ИПВ вакцина хавфсизми?

Ҳа, ИПВ вакцина хавфсиз ҳисобланади. Бу вакцина болаларни уч турдаги полиовирус штаммидан ҳимоялайди, ИПВ вакцинани ОПВ вакцина билан бирга ишлатиш иммунитетни мустаҳкамлайди. ИПВ вакцинани кам вазнда туғилган чақалоқларга бошқа режадаги вакциналар билан ишлатиш мумкин.

ИПВ вакцина билан эмлашдан сўнг қандай нохуш ҳолатлар кузатилади?

ИПВ вакцина билан эмлашдан сўнг нохуш ҳолатлар рўйхатга олинмаган. Эмлашдан баъзан қизариш ва шиш кузатилиши мумкин.

Полиомиелитга қарши ИПВ ва ОПВ вакциналарини бир вақтда юбориш мумкинми?

ИПВ вакцина билан бирга болани бар вақтда бир неча вакциналар билан эмлаш мумкин. Болани икки ёки ундан ортиқ кўп қатнашини чегаралаш мақсадида.

Нечта доза ИПВ билан эмлаш ўтказиш лозим?

Режали иммунизация доирасида ОПВ ни бир неча дозасини олган болалар қўшимча равишда, бир доза ИПВ билан эмланишлари лозим.

Инактивланган полиомиелит вакцинаси – ИПВ- билан болаларни эмлаш тартиби

ИПВ вакцинаси билан эмлаш боланинг 4 ойлигида ўтказилади.

ИПВ болани сон соҳасига мушак орасига 0,5 мл инъекция усулида юборилади



ИПВ билан эмланган болаларга, агар келажақда ОПВ билан эмлаш таклиф қилинса эмлаш ўтказиш мумкинми?

Ҳа эмлаш мумкин. Бутун дунё бўйича полиомиелит батамом ликвидация қилиб бўлингунга қадар, ИПВни ОПВ билан бирга қўшиб фойдаланиш лозим.